O`ZBEKISTON RESPUBLIKASI NAMANGAN VILOYATI
KOSONSOY TUMANI HOKIMINING

Q A R O R I

«9» октябр 2020 yil Kosonsoy tumani 1064-sonli

Косонсой туманидаги умумий ўрта таълим мактабларига мактаб ёшидаги болаларни тўлиқ қамраб олиш мақсадида мактаблар микроҳудудини белгилаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 15 мартдаги "Умумий ўрта таълим тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш тўғрисида"ги 140-сонли ҳамда 2019 йил 7 июндаги "Болаларни давлат умумий ўрта таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича давлат хизматлари кўрсатишнинг маъмурий регламентини тасдиқлаш тўғрисида"ги 469-сонли қарорларининг ижросини таъминлаш, тумандаги барча умумий ўрта таълим мактабларига мактаб ёшидаги болаларни тўлиқ қамраб олиш жараёнида умумтаълим муассасаларига бириктирилган ҳудудлар (микроҳудуд)ни аниқ белгилаб олиш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонуннинг 6 ва 25-моддаларига асосан,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Косонсой туманида мактаб ёшидаги болаларни умумий ўрта таълимга тўлиқ қамраб олиш бўйича умумтаълим муассасаларига бириктирилган ҳудудлар (микроҳудуд) рўйхати иловага асосан тасдиқлансин.

2. Туман ҳокимининг ўринбосари (А.Шералиев), туман халқ таълими бўлими (М.Аллохонова), тумандаги умумий ўрта таълим муассасалари раҳбарлари мактаб ёшидаги болаларни умумий ўрта таълимга тўлиқ қамраб олиш, ўқувчиларнинг дарсларга қатнашиш ҳолати юзасидан мониторинг олиб бориш ва унинг натижасида аниқланган муаммоларни бартараф этиш бўйича зарур чоралар кўриш вазифаси топширилсин.

3. Белгилансинки, тумандаги умумтаълим муассасалари раҳбарлари ўзлари раҳбарлик қилаётган муассасага бириктирилган ҳудуддаги мактаб ёшидаги болаларни ўз вақтида умумий ўрта таълим муассасасига ўқишга

жалб қилиш учун масъул ҳисобланади.

4. Туман ҳокимининг ўринбосари, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи (М.Сойиббоев), маҳалла фуқаролар йиғини раислари мактаб ёшидаги болаларни умумий ўрта таълим муассасаларига жалб этиш жараёнида туман халқ таълими бўлими ҳамда умумий ўрта таълим муассасаларига амалий ёрдам бериш тавсия этилсин.

5. Мазкур қарор “Косонсойнома” газетасида расмий эълон қилинсин ва ҳокимликнинг расмий веб-сайтига жойлаштирилсин.

6. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

7. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари А.Шералиев зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими **Б. Юсупов**

Туман ҳокимининг
2020 йил "9" октябр
1064-сонли қарорига илова

Косонлисой туманида мактаб ёшидаги болаларни умумий ўрта таълимга тўлиқ қамраб олиш бўйича умумтаълим муассасаларига бириктирилган ҳудудлар (микроҳудуд)

Р Ў Й Х А Т И

№	Умумтаълим муассасаси тартиб рақами	Умумтаълим муассасаси жойлашган манзили	Умумтаълим муассасасига бириктирилган ҳудуд (МФЙ ёки кўча)
1	1-сонли умумий ўрта таълим мактаби	А.Жомий МФЙ	Қалъа кўча
			Ором бахш кўча
		М.Аъзам МФЙ	Эзгулик кўча
2	2-сонли умумий ўрта таълим мактаби	С.Шерозий МФЙ	Ал.Фарғоний кўча
			Мехмондўст кўча
			Мурувват кўча
			Сарчашма кўча
			Олтин кўл кўча
			Олтин диёр кўча
			Шаршара кўча
3	3-сонли умумий ўрта таълим мактаби	Гулистон 1 МФЙ	Гулзор кўча
			Тешиктош кўча
		Гулистон 2 МФЙ	Дўстлик кўча
			Карвон сарой 1 кўча
			Карвон сарой 2 кўча
			Карвон сарой 3 кўча
4	4-сонли умумий ўрта таълим мактаби	А.Навоий МФЙ	Ҳалқлар дўстлиги кўча
			Қадрият кўча
			Ватандош кўча
		А.Жомий МФЙ	Чор кўча
		Хуррият 1 МФЙ	Наққошлик кўча
5	6-сонли умумий ўрта таълим мактаби	М.Аъзам МФЙ	Нурафшон кўча
			Эзгулик кўча
			Дахбет кўча
			Дагрез кўча
			Шохчинор кўча
		Сохибкор МФЙ	Яхши ният кўча
			Пахтакор кўча
			Навбахор кўча
6	7-сонли умумий ўрта таълим мактаби	Хуррият 1 МФЙ	Улуғчинор кўча
			Ховуз равонак кўча
			Косиблар кўча
			Боғи эрам кўча
			Гулдаста кўча

№	Умумтаълим муассасаси тартиб рақами	Умумтаълим муассасаси жойлашган манзили	Умумтаълим муассасасига бириктирилган ҳудуд (МФЙ ёки кўча)
7	8-сонли умумий ўрта таълим мактаби	Ўрикзор МФЙ	Чоркўча
			Узумзор кўча
		Навбахор 1 МФЙ	Омилкор кўча
			Умед кўча
		Садача МФЙ	Саодат кўча
			Нуробод кўча
			Истирохат кўча
		Гулобод МФЙ	Рохат кўча
			Юксалиш кўча
			Фаровон кўча
			Қадирдон кўча
	9-сонли умумий ўрта таълим мактаби	Моваройннаҳр МФЙ	Бешикчилар кўчаси
			Кўклам кўча
			Забардаст кўча
		Наврўз МФЙ	Гулшан кўча
			Маданият кўча
			Тинчлик кўча
		Навбахор МФЙ	Истиқлол кўча
		С.Шерозий МФЙ	Ибрат кўча
9	10-сонли умумий ўрта таълим мактаби	Боғишамол 1 МФЙ	Хумхона кўча
			Олтин мерос кўча
		Боғишамол 2 МФЙ	Шакар булоқ кўча
			Наврўз кўча
			Боғ кўча
		Чорбоғ МФЙ	Саховат кўча
			Тонг юлдузи кўча
			Чаманзор кўча
			Равнақ кўча
			Мехргиё кўча
10	11-сонли умумий ўрта таълим мактаби	Хонқўрғон МФЙ	Боғдод кўча
			Новобод кўча
			Дўстлик кўча
			Хонқорғон кўча
11	12-сонли умумий ўрта таълим мактаби	Озод МФЙ	Камолот кўча
			Янгиобод кўча
			Хунарманд кўча
			Чорсахоба кўча
12	13-сонли умумий ўрта таълим мактаби	Тахтакўприк МФЙ	Боло кўча
			Садача кўча
			Дўмир кўча
			Сой бўйи кўча
			Дўстлик кўча
		Ўрта кўча МФЙ	Боло кўча
			Мазорбоғ кўча

№	Умумтаълим муассасаси тартиб рақами	Умумтаълим муассасаси жойлашган манзили	Умумтаълим муассасасига бириктирилган ҳудуд (МФЙ ёки кўча)
13	14-сонли умумий ўрта таълим мактаби	Сойча МФЙ	Сойча кўча
			Эшонбобо кўча
		Шайхон кўча	Шайхон кўча
			Шайхон 1 кўча
			Дехқон кўча
14	15-сонли умумий ўрта таълим мактаби	Мажнунтол МФЙ	Шўрхок кўча
			Сой бўйи кўча
			Ялама кўча
			Мажнунтол кўча
			Чуст кўча
			Гулбоғ кўча
			Нурафшон кўча
		Чуст кўча МФЙ	Намуна кўча
			Чуст кўча
			Дукур тепа кўча
15	16-сонли умумий ўрта таълим мактаби	Юмалоқ Шайх Мазор	Гузар кўча
			Қардошлик кўча
			Занг кўча
			Табиб кўча
			Қурама кўча
16	17-сонли умумий ўрта таълим мактаби	Равот МФЙ	Истиқлол кўча
			Ровот кўча
			Навбахор кўча
17	18-сонли умумий ўрта таълим мактаби	Такаранг МФЙ	Фитрат кўча
			Зиёкор кўча
		Гулбоғ МФЙ	Мустақиллик кўча
			Шотут кўча
			Гулбоғ кўча
		Чуст кўча МФЙ	Миришкор кўча
18	19-сонли умумий ўрта таълим мактаби	Чўнгбош МФЙ	Ширин кўча
			Нихол кўча
			Марказий кўча
			Мўйи Муборак кўча
			Панихон кўча
19	20-сонли умумий ўрта таълим мактаби	Чиндовул МФЙ	Ғазалкент кўча
			Абдуллақаххор кўча
			Янги авлод кўча
			Бўстон кўча
		Учқўрғон МФЙ	Деҳконобод кўча
			Достон кўча
			Ибрат кўча
			Дам кўча
			Улуғвор кўча
20	21-сонли умумий ўрта таълим мактаби	Узунқишлоқ МФЙ	Қилич кўча
			Сохил бўйи кўча
			Хамкор кўча
			Хон кўча

№	Умумтаълим муассасаси тартиб рақами	Умумтаълим муассасаси жойлашган манзили	Умумтаълим муассасасига бириктирилган ҳудуд (МФЙ ёки кўча)
21	22-сонли умумий ўрта таълим мактаби	Равот МФЙ	Жийда кўча
		Ободон МФЙ	Бодомзор кўча
			Дўстлик кўча
			Истиқлол кўча
			Хожакорғон кўча
			Ўзбекистон кўча
22	23-сонли умумий ўрта таълим мактаби	Навбахор 2 МФЙ	Фирдавсий кўча
			Симизтеппа кўча
			Яккачинор кўча
			Булоқ кўча
			Навбахор 2 кўча
23	24-сонли умумий ўрта таълим мактаби	Хонқўрғон МФЙ	Қайтмас кўча
		Равот МФЙ	Мустақиллик кўча
			Қоронкўл кўча
24	25-сонли умумий ўрта таълим мактаби	Қорасув МФЙ	Гулзор кўча
			Олмазор кўча
			Ёшлик 1 кўча
			Ёшлик 2 кўча
25	26-сонли умумий ўрта таълим мактаби	Булоқ боши МФЙ	Янги обод кўча
			Кўктош кўча
			Топ терак кўча
			Булоқбоши кўча
			Сой бўйи кўча
26	27-сонли умумий ўрта таълим мактаби	Чак МФЙ	Мойноқ кўча
			Одам тепа кўча
			Чак кўча
			Чакобод кўча
			Оқтепа кўча
27	28-сонли умумий ўрта таълим мактаби	Сой бўйи МФЙ	Р.Сафаев кўча
			Олмазор 1 кўча
			Олмазор 2 кўча
			Сой кўча
			Чуст кўча
			Янги махалла кўча
		Гузар МФЙ	Р.Сафаев кўча
			Тергачи 1
			Тергачи 2
			Чуст кўча
			Оқ ер кўча
			Тепа кўча
28	29-сонли умумий ўрта таълим мактаби	Бахористон МФЙ	Олтин замин 1 кўча
			Олтин замин 2 кўча
			Матонат кўча
			Тошқорғон кўча
29	30-сонли умумий ўрта таълим мактаби	Навбахор 2 МФЙ	Булоқ кўча

№	Умумтаълим муассасаси тартиб рақами	Умумтаълим муассасаси жойлашган манзили	Умумтаълим муассасасига бириктирилган ҳудуд (МФЙ ёки кўча)
30	31-сонли умумий ўрта таълим мактаби	Навбахор 2 МФЙ	Фирдавсий кўча
			Яккачинор кўча
			Навбахор 2 кўча
31	32-сонли умумий ўрта таълим мактаби	Қуқимбой МФЙ	Наманган кўча
			Қўқумбой кўча
			Гулистон кўча
			Тошлоқ 1 кўча
			Тошлоқ 2 кўча
			Чаманзор кўча
			А.Қодирий кўча
			А.Қаххор кўча
			Навбахор кўча
		Бўстон МФЙ	Тинчлик кўча
			Истиқлол 1 кўча
			Истиқлол 2 кўча
			Боғ кўча
			Наманган кўча
32	33-сонли умумий ўрта таълим мактаби	Янги шахар МФЙ	Ат Термизий кўча 1
			Ат Термизий кўча 2
			Бедил 1 кўча
			Бедил 2 кўча
			Семурғ кўча
			Бободеҳқон кўча
			Гулхан 1 кўча
			Гулхан 2 кўча
			Янги жой кўча
		Янги йўл МФЙ	Кумуш тола кўча
			Навнихол кўча
			Завқий кўча
			Сумбула кўча
			Қатортол кўча
			Муқаддас ватан кўча
			Ўқитувчилар кўча
33	34-сонли умумий ўрта таълим мактаби	Қозоқовул МФЙ	Рангин камон кўча
			Саявул кўча
			Зиёли кўча
			Бешқорғон кўча
			Мададкор кўча
			Олтин водий кўча
34	35-сонли умумий ўрта таълим мактаби	Гўрмирон МФЙ	Касрати кўча
			Тоғай кўча
			Бойтуп кўча
			Саккизқорғон кўча
			Ўрта кўча
			Маржонсой кўча
			Тошлоқ кўча
			Ширин кўча
			Қўшчинор кўча

№	Умумтаълим муассасаси тартиб рақами	Умумтаълим муассасаси жойлашган манзили	Умумтаълим муассасасига бириктирилган ҳудуд (МФЙ ёки кўча)
35	36-сонли умумий ўрта таълим мактаби	Тагижар МФЙ	Дўстлик кўча
			Сой бўйи кўча
		Боғишамол МФЙ	Наврўз кўча
			Исириқсой кўча
36	37-сонли умумий ўрта таълим мактаби	Ўзбекистон МФЙ	Навбахор кўча
			Ўзбекистон 1 кўча
			Ўзбекистон 2 кўча
			Ўзбекистон 3 кўча
			Испарон кўча
37	38-сонли умумий ўрта таълим мактаби	Боғ кўча МФЙ	Заковат кўча
			Райхон кўча
			Боғ кўча
			Гумбаз кўча
			Нокзор кўча
38	39-сонли умумий ўрта таълим мактаби	Бомраха МФЙ	Мехнатобод кўча
			Шодлик кўча
			Шахрав кўча
			Марифат кўча
			Мустақиллик кўча
			Гулобод кўча
39	40-сонли умумий ўрта таълим мактаби	Бўстон МФЙ	Бўстон кўча
40	41-сонли умумий ўрта таълим мактаби	Тагижар МФЙ	Қўшчинор кўча
			Сой бўйи кўча
			Ёшлик кўча
			Мустаққиллик кўча
41	42-сонли умумий ўрта таълим мактаби	Ширинбулоқ МФЙ	Қўлмўмин 1 кўча
			Қўлмўмин 2 кўча
			Гўзал кент кўча
			Бирлик кўча
42	43-сонли умумий ўрта таълим мактаби	Сойча МФЙ	Мантипаз кўча 43
			Водий кўча 43
			Қайирма кўча 43
		Ўрта кўча МФЙ	Истиқлол кўча 43
			Узумзор кўча 43
		Сохибкор МФЙ	Говкуш кўча
			Хазонсўз кўча
43	44-сонли умумий ўрта таълим мактаби	Олмазор МФЙ	Нуроний кўча
			Оқ олтин кўча
			Шаббода кўча
			Шаршара кўча
			Ўрикзор кўча
			Жувдам кўча
44	45-сонли умумий ўрта таълим мактаби	Ўрикзор МФЙ	Узумзор кўча
		Наврўз МФЙ	Тинчлик кўча
45	46-сонли умумий ўрта таълим мактаби	Гулобод МФЙ	Сада райхон кўча
			Мемор кўча
			Р.Сафаев кўча

№	Умумтаълим муассасаси тартиб рақами	Умумтаълим муассасаси жойлашган манзили	Умумтаълим муассасасига бириктирилган ҳудуд (МФЙ ёки кўча)
46	47-сонли умумий ўрта таълим мактаби	Боғ МФЙ	Р.Сафаев кўча
			Кончилар кўча
			Бодомзор кўча
			Боғ кўча
			Сой кўча
47	48-сонли умумий ўрта таълим мактаби	Узунқишлоқ МФЙ	Ўнг булоқ кўча
48	49-сонли умумий ўрта таълим мактаби	Обод МФЙ	Зилол сув кўча
			Муғ қалъа кўча
			Наво кўча
			Ҳалқлар дўстлиги кўча
49	50-сонли умумий ўрта таълим мактаби	Ёшлик МФЙ	Замондош кўча
			Навобод кўча
50	51-сонли умумий ўрта таълим мактаби	Ўзбекистон МФЙ	Ифтихор кўча
51	Қуқимбой Озиқ-овқат коллежи биносида янги ташкил этиладиган 53-сонлили умумтаълим мактаби	Бешкетмон МФЙ	Бобир кўча
			Мамаризаев кўча
			Ёшлик кўча
			Шодлик кўча
			Наманган кўча
			Мусоарик кўча
			Ертикан кўча
			Косонлисой кўча
			Бахт кўча
			Бахт 1 кўча
			Навбахор кўча
			Наврўз кўча
			Фурқат кўча
			А.Навоий кўча
52	54-сонли умумий ўрта таълим мактаби	Жар МФЙ	Бодом кўча
			Жийда кўча
			Тинчлик кўча
			Истиқлол кўча

Туман ХТБ бўлими мудири **М. Аллохонова**

Adolat kuchda emas, kuch adolatdadir! Amir TEMUR.

KOSONSOYNOMA

Tuman hokimligining ijtimoiy-siyosiy gazetasi

• web sayt: www.kosonsoynoma.uz
• e-mail: kosonsoynoma@inbox.uz

2020-yil, 16-oktabr, juma 19-son (5991) Gazeta 1932-yil, 15 dekabrdan chiqa boshlagan • ISSN 2181-0060

Буюк аждодларимизнинг бетакрор ва ноёб илмий-маънавий мероси биз учун доимий ҳаракатдаги ҳаётий дастурга айланиши керак.

Ш. МИРЗИЁЕВ.

• ВИЛОЯТ ҲОКИМИ ТУМАНИМИЗДА

Яқинда вилоят ҳокими Шавкатжон Абдураззоқов туманимизга келиб, барча соҳада рўёбга чиқарилаётган тадбирларни атрофлича ўрганди. Амалга оширилиши лозим бўлган бир қатор муаммоларга ечимлар топилди.



ят ҳокими, балки барча йиғилганларнинг кайфиятига кайфият қўшди.

- Наманганни гуллар шаҳри деймиз, бу маскан эса гуллар мактаби экан, - деди вилоят раҳбари. - Барча мактабларда шундай гўзаллик бўлиши ва фарзандларимиз шундай кўркам даргоҳларда таълим олишлари керак.

Вилоят раҳбари "Ўзбекистон" маҳалласида бунёд этилган "Маҳалла маркази"да ҳам бўлди. Яқинда ишга туширилган тикувчилик корхонаси орқали "темир дафтар" рўйхатидаги оила вакилларининг 20 нафари меҳнат билан таъминлангани эътироф этилди. Хотин-қизларга гилам, жунрўмол тўқишни ўргатиш мақсадида ўқув курслари ташкил қилиниб, керакли дастгоҳлар ўрнатилгани ҳам манзур бўлди. Вилоят раҳбари "Янги баҳор шабодаси" оилавий корхонаси раҳбарлари Абдуқаюм ота Абдуллаев ва Раъно ая Абдумажидовалар билан суҳбатлашди.

ТАДБИРКОРЛАР ҚЎЛЛАБ-

• МУҲАРРИР МИНБАРИ

ЯНГИ, УЛУҒВОР ВАЗИФАЛАРГА ДАЪВАТ

Сентябрь ойи мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида муҳим воқеаларга бой бўлди. Улардан бири, ҳеч шубҳасиз, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг жаҳондаги энг нуфузли халқаро ташкилот - Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош ассамблеяси 75-сессиясида сўзлаган нутқи бўлди. Мана, бир неча ҳафтадирки, давлатимиз раҳбари БМТнинг юксак минбаридан билдирган фикрлари жаҳоннинг турли мамлакатларидаги сиёсатчилар, экспертлар, журналистлар, қолаверса, кенг жамоатчиликнинг диққат марказида турганлиги бежиз эмас.

Мазкур нутқ шу кунларда туманимиздаги корхона, ташкилот, муассасаларда, маҳалла фуқаролар йиғинларида катта қизиқиш билан ўқиб-ўрганилмоқда. Президентимизнинг БМТ Бош ассамблеясидаги нутқи энг аввало, ўзбек тилида янграганлиги билан кўпчиликнинг эътиборини тортганлигини қайд этиш зарур. Бу, Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллаганлигини яна бир бор намойиш этди.

Шунингдек, давлатимиз раҳбари кўтарган масалаларнинг кўлами ниҳоятда кенглиги барчада унутилмас таассурот қолдирди.

Давоми 4-саҳифада

KOSONSOYNOMA
Tuman hokimligining ijtimoiy-siyosiy gazetasi

Туман ҳокимининг қарори

ТУМАНДАГИ УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИГА МАКТАБ ЁШИДАГИ БОЛАЛАРНИ ТЎЛИҚ ҚАМРАБ ОЛИШ МАҚСАДИДА МАКТАБЛАР МИКРОҲУДУДИНИ БЕЛГИЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 15 мартдаги "Умумий ўрта таълим тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш тўғрисида"ги 140-сонли ҳамда 2019 йил 7 июндаги "Болаларни давлат умумий ўрта таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича давлат хизматлари кўрсатишнинг маъмурий регламентини тасдиқлаш тўғрисида"ги 469-сонли қарорларининг ижросини таъминлаш, тумандаги барча умумий ўрта таълим мактабларига мактаб ёшидаги болаларни тўлиқ қамраб олиш жараёнида умумтаълим муассасаларига бириктирилган ҳудудлар (микроҳудуд)ни аниқ белгилаб олиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонуннинг 6 ва 25-моддаларига асосан қарор қиламан:

1. Косонсой туманида мактаб ёшидаги болаларни умумий ўрта таълимга тўлиқ қамраб олиш бўйича умумтаълим муассасаларига бириктирилган ҳудудлар (микроҳудуд) рўйхати иловага асосан тасдиқлансин.

2. Туман ҳокимининг ўринбосари (А. Шералиев)га, туман халқ таълими бўлими (М. Аллохонова)га тумандаги умумий ўрта таълим муассасалари раҳбарлари мактаб ёшидаги болаларни умумий ўрта таълимга тўлиқ қамраб олиш, ўқувчиларнинг дарсларга қатнашиш ҳолати юзасидан мониторинг олиб бориш ва унинг натижасида аниқланган муаммоларни бартараф этиш бўйича зарур чоралар кўриш вазифаси топширилсин.

3. Белгилансинки, тумандаги умумтаълим муассасалари раҳбарлари ўзлари раҳбарлик қилаётган муассасага бириктирилган ҳудуддаги мактаб ёшидаги болаларни ўз вақтида умумий ўрта таълим муассасасига ўқишга жалб қилиш учун масъул ҳисобланади.

4. Туман ҳокимининг ўринбосари, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи (М. Сойиббоев), маҳалла фуқаролар йиғини раислари мактаб ёшидаги болаларни умумий ўрта таълим муассасаларига жалб этиш жараёнида туман халқ таълими бўлими ҳамда умумий ўрта таълим муассасаларига амалий ёрдам бериши тавсия этилсин.

5. Мазкур қарор "Косонсойнома" газетасида расмий эълон қилинсин ва ҳокимликнинг расмий веб-сайтига жойлаштирилсин.

6. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

7. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари А. Шералиев зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими **Б. ЮСУПОВ**

Косонсой шаҳри, 9 октябрь 2020 йил

● 21 ОКТЯБРЬ - ЎЗБЕК ТИЛИ БАЙРАМИ КУНИ

ОНА ТИЛИМ - ЖОНУ ДИЛИМ

Она тилида миллат руҳи мужассам бўлади. Шунинг учун ҳам уни авайлаб, эъзозлаймиз. Қолаверса, тилни асраш, ривожлантириш миллатнинг юксалиши ҳамдир. Ўзбек тили мустақил давлатимизнинг Байроғи, Герби, Мадҳияси қаторида турадиган, қонун йўли билан ҳимоя қилинадиган муқаддас давлат рамзидир. Она тилимиз - ўзбек тилига 1989 йил

Туман ҳокимининг қарори

ИЖТИМОИЙ МУҲОФАЗАГА МУҲТОЖ, ИШ ТОПИШДА ҚИЙНАЛАЁТГАН ВА МЕҲНАТ БОЗОРИДА ТЕНГ ШАРТЛАРДА РАҚОБАТЛАША ОЛМАЙДИГАН ШАХСЛАРНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ УЧУН ИШ ЎРИНЛАРИНИ 2021 ЙИЛ УЧУН БАНД ҚИЛИБ ҚЎЙИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикасининг "Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида"ги Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 й., 5-6-сон, 97-модда) 17-моддаси, "Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 29-30-сон, 277-модда) 25-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 5 декабрдаги 965-сон қарори билан тасдиқланган "Ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларининг энг кам сонини белгилаш ва захирага қўйиш тартиби тўғрисида"ги Низомга асосан ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун туманда 2021 йил учун иш ўринларини банд қилиб қўйиш мақсадида қарор қиламан:

1. Тумандаги ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш жойларининг энг кам миқдорини белгилаш бўйича комиссия таркиби 1-иловага, 2021 йилда мазкур тоифадаги шахслар учун иш жойларининг энг кам миқдори белгиланган корхоналар ва ташкилотлар рўйхати 2-иловага асосан тасдиқлансин.

2. "Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 17-моддасига асосан туманда ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахслар учун 2-иловага мувофиқ ходимларнинг рўйхатини белгилансин.

3. Ушбу тоифа шахслар учун иш ўринлари ходимлар томонидан ўзларининг меҳнат мажбуриятларини тўсиқларсиз бажаришини таъминлайдиган санитария-гигиена нормалари ва меҳнат шароитларига мувофиқ бўлишини таъминлаш, шу жумладан қуйидагиларга мувофиқ бўлиши керак:

ёлғиз ота, ёлғиз она ва 14 ёшгача бўлган ногирон болалари бор кўп болали ота-оналар учун - болаларни тарбиялаш ва меҳнат мажбуриятлари бўйича вазифаларни уйғунлаштириш имконини берадиган, ўзгарувчан иш жадвалига эга бўлган иш ўринлари;

таълим муассасаларини тугатган ёшлар учун - уларнинг касб бўйича тайёргарлигига мувофиқ бўлган иш ўринлари;

муддатли ҳарбий хизматдан бўшатилган шахслар учун - уларнинг касб бўйича тайёргарлигига мувофиқ бўлган иш ўринлари;

ногиронлар учун - меҳнат шароитлари бўйича аттестациядан ўтказилган ҳамда ходимга иш жараёнларини тўсқинликсиз бажариш имконини (соғлиғининг аҳволи ва меҳнат фаолиятига нисбатан белгиланган зид кўрсаткичлар ҳисобга олинган ҳолда) берадиган иш ўринлари;

туман Аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказида иш қидирувчи сифатида ҳисобда турган пенсия ёшига яқинлашиб қолган шахслар учун - махсус малакани талаб қилмайдиган иш ўринлари;

жазони ўташ муассасаларидан бўшатилган, жазони ўтаётган ёки суд қарорига кўра тиббий характердаги мажбурий чоралар кўрилган шахслар, одам савдосидан жабрланганлар учун - уларнинг касб бўйича тайёргарлиги ҳисобга олинган ҳолдаги иш ўринлари умумий сонининг камида 25 (йигирма беш) фоизи ҳажмида иш ўринлари банд қилиб қўйилишини ва тайёр бўлишини таъминласин, ушбу тўғрисида туман Аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказига йил бошлангунга қадар ахборот берилсин;

ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш қидиришда қийналаётган шахслар учун иш ўринларининг қолган қисмини банд қилиб қўйиш ташкилот (иш берувчи) томонидан календарь йилнинг биринчи чораги мобайнида таъминлаш, бу тўғрида туман Аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказига биринчи чорак тугагандан кейин ўн кундан кечикмай ахборот бериш;

ташкилотлар ҳар чоракда туман Аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказига юқорида кўрсатилган тоифадаги шахсларнинг ишга жойлаштирилиши тўғрисида ушбу низомга 5-иловага мувофиқ шакл бўйича ахборот тақдим этиши;

банд қилиб қўйилган иш ўринларининг белгиланган сони ҳисобига ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш қидиришда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларининг тайёрлиги тўғрисидаги ахборотни ташкилот томонидан тақдим этилмаганлигига ҳам ва амалда уларнинг тайёр эмаслигига ҳам меҳнат органи томонидан маҳаллий давлат ҳокимияти органи қарорининг бажарилмаганлиги сифатида қараши лозимлиги қайд этилсин.

6. Ушбу қарор бажарилмаган тақдирда шунингдек, уларни ишга қабул қилиш асоссиз равишда рад этилганлиги учун ташкилотларнинг мансабдор шахсларига "Ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини банд қилиб қўйиш тартиби тўғрисида"ги